



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 14 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (12.720)

Баҳоси эркин нарҳда

23
ЎЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Истиқлол фарзандлари» анъанавий ёшлар фестивали бошланди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўракнишони соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, фаол ёшлар иштирок этмокда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, онгу шуурида даҳлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмокда.

ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали бу борадаги эзгу ишлардан дидир.

Фестиваль иштирокчилари дастлаб мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

— Мустақиллик майдонида юртимизнинг бахтиёр ёшлари сафида турганимдан жуда хурсандим, — дейди «Юрт келажак» — 2013» кўрик-танлови ғолиби, навоийлик Ифтихор Холхўжаев. — Эл-юрт шавъ-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бирига айланган мазкур майдон ва унда

даги Бахтиёр она ҳайкали, Эзгулик аркаси истиқлолигимизнинг тобора мустаҳкамланаётгани, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганининг ёрқин ифодасидир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Мазор-и-Навоий марказига саёҳат уюштирилди. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган мазкур мажмуа Ватанимизнинг бош майдонига туташиб ҳудудда Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби маҳобатли ишотлар билан яхлит композиция ҳосил қилган.

(Давоми 4-бетда)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИДИР

Мамлакатимизни кўриш, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш, хушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келаятган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижлик ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Стефан ЛЕМАНН, ишбилармон (Германия):

— Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларини бир кўрсам, деб орзу қилардим. Бу ниятимга етганимдан қувончим чексиз. Шаҳарларингизда ўтмиш ва замонавийлик ёнма-ён яшар экан. Кенг ва раво кўчалар, мухташам бинолар мамлакатингиз тараққиётдан далолат беради.

Авваллари Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларим фақат тарихий обидалар билан боглиқ эди. Саёҳатим асосида юртингиз табиатининг гўзаллигига, туризмнинг кўллаб йўналишлари изчил ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдим. Буни юртингизда қад ростлаётган янги замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мен «International Tashkent» меҳмонхонасига жойлашдим. Бу ерда яратилган шароит халқаро талаблар даражасида. Бир-бирини такрорламайдиган, юксак дид билан безатилган шинам хоналар, юқори сифат даражасидаги хизмат, хушмуомала ходимлар, самимий меҳмондўстлик муҳити ҳар қандай кишига ҳузур бағишлайди.

Яна бир жиҳат эътиборимни тортди — Ўзбекистонда бозорлар тўқин-сочин, хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бу мамлакатингизда сайёҳликни

янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Сун ЧХОН, шифокор (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишончли ҳамкор. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганидан хурсандимиз. Биз, шифокорлар ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Мамлакатингизда ҳар бир йилга муайян ном берилиши ва шу асосда ижтимоий муҳим масалалар ҳал этилиши менга жуда манзур бўлди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинганидан хабарим бор. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга ошириляётгани эътиборга молик. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт марказлари, болалар спорт мажмуалари бунинг учун кенг имконият яратмокда. Ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофазалашдек хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғинида мамлакатимиз истиқлолининг 23 йиллик шодиёналари муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди. Тадбирда Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

• Фарғона шаҳрида «Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги лойиҳаларни самарали бошқариш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари кўникмаларини ошириш» мавзусида семинар-тренинг иш бошлади.

• Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябрга қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги 126 та умумтаълим муассасасида мактаб ярмаркалари ташкил этилди.

• Жорий йилнинг 5 август кунини 2013 йилда ҳужжатли операциялар соҳасидаги яхши ҳамкорлиги учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Германиянинг «Commerzbank AG» муассасаси мукофоти билан тақдирланди.

• Фарғона вилоятида энг улуг, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига тайёргарлик доирасида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмокда. Кўча ва хийбонлар, аҳоли турар жойлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофи тартибга келтирилиб, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляптир. Вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 927 уй-жой бунёд этиляптир.

ЖАҲОНДА

• Табиий ёнғин ўрмонларга қирон келтирмокда. Мэриленд университети мутахассислари коинотдан олинган суратларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келдилар, кейинги 12 йилда, аниқроғи, 2000 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда она сайёрамизда 2,3 миллион квадрат километр майдондаги ўрмон йўқ бўлиб кетган. Энг кўп йўқотиш Россия зиммасига тўғри келмокда: 365 минг квадрат километр.

• Фойдаланилган ёнилғидан яна ёнилғи олиш мумкин. Бугунги илм-фан қудрати ҳақиқатан ҳам хайратланарли. Транспортда фойдаланилган, яъни ёниб бўлган ёнилғини яна қайтадан ёнилғига айлантириш усулининг кашф қилиниши таҳсинга лойиқ. Гап шундаки, «ЕС Solar-jet» лойиҳаси тадқиқотчилари керосин тутунини яна ёнилғига айлантириш назариясини яратдилар.

Ҳашар — элга ярашар

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

16-17 август кунлари пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Халқимизда «Обод юртга байрамлар ярашади», деган аjoyиб ҳикмат бор. Гўзал ва бетакрор Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида ҳар биримиз жонажон шаҳримизнинг янада обод ва кўркем бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Маҳалла-кўй, кекса-ю ёш ҳамжихат бўлиб маҳаллаларимиз, мавзёларимизни, кўп қаватли уйлар ва ҳовлиларимиз атрофларини, кўчалар, болалар майдончаларини обод қилайлик, кириш йўлакларини озода қилиб барака йўлини очайлик, дарахт ва буталарга шакл бериб, уларни оқлайлик,

қуриган дарахт ва шохларни бартараф этайлик, ариқ, томорқа ва йўлақлар ҳамда ер юзасини қуриган ўтлардан тозалайлик, ҳовлимиз ҳусни ва кўркини бузиб турган турли чиқиндилардан халос этайлик, фарзандларимиз ва набибаларимиз учун «Болалар майдончалари»ни тозалаб, уларни таъмирлашга ҳисса қўшайлик, автотураргоҳ ва гаражлар атрофини тартибга келтирайлик.

Бу савобли ва хайрли ишларда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, намуна кўрсатайлик.

Барча ҳамшаҳарларимизни ушбу эзгу ишда ҳамжихат бўлишга чақирамиз!



ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сев-

ги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказида «Давлат мулкани

бошқариш соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш» мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш мавзусига бағишланган семинар ташкил этилди.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Автомобил йўллари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутди, иқтисодий тараққиёт, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш шартларини белгилайди. Мамлакатимизда йўл ва транспорт-коммуникация соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига фаол интеграциялашуви, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан ошади. Жаҳон талабларига жавоб берадиган автомобиль йўллари халқаро автотрасса-лар, давлат аҳамиятидаги йўллар, маҳаллий шосселар, ҳўжалик автомагистраллари ва бошқа йўлларни ўз ичига олган. Айни пайтда узунлиги 42 минг километрдан зиёд умумий фойдаланувдаги йўлларни яроқли ҳолда сақлаш ва таъмирлаш ишлари «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси зиммасига юклатилган.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси бош молиявий бошқармаси бошлиғи Д.Турсу-

новнинг таъкидлашича, компания таркибиде 157 туман бўлими мавжуд бўлиб, улар автомобиль йўлларининг ягона тармоғи бўйлаб узлуксиз транспорт воситалари ҳаракатини таъминлаш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида компания тизими-

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

даги корхона ва компаниялар томонидан қиймати 560 миллиард сўмдан зиёд қурилиш, таъмирлаш, сақлаш ва ташқи пудрат ишлари амалга оширилди.

2014 йилги инвестиция дастури ижроси доирасида ҳисобот даврида маҳаллий пудрат ташкилотлари томонидан йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 930,4 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз, Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов, Тошкент-Ўш, Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши халқаро автотўлиқ йўлларнинг 435 километрида кенг кўламли таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилади.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси то-

монидан 152 километрдан ортиқ автотўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари, компания корхона ва ташкилотлари халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланувдаги йўлларда қиймати 48 миллиард сўмдан ортиқ капитал таъмирлаш ишларини бажарди.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси жорий йилнинг биринчи ярмида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширди. Чунонки, автомобиль йўлларига 7 мингдан зиёд янги йўл белгилари, 16 мингдан ортиқ йўналишувчи ва кўрсатувчи устунлар ўрнатилди, эскирган 11 мингдан ортиғи алмаштирилди. Кўприк ва тоннелларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишлари бажарилди, пийдалар ўтмиш жойлари белгиланди, йўл бўйи ҳудудлари ва автобус бекатлари ободонлаштирилди.

Компаниянинг корхона ва бўлимларини техник қайта жиҳозлаш учун жорий йилнинг биринчи ярмида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси 264 донга янги техника – самосваллар, турли ишларни бажарадиган йўл машиналари, автобуслар, тиркачил йук автомобиллари ва бошқаларни харид қилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари сифатини ошириш мақсадида ўн корхона қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда модернизация қилинди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Роман БОНДАРЧУК

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг компания тизимидаги ижросига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази вакиллари, Миллий телерадиокомпания таркибидеги бўлимлар, теле ва радиоканаллар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Ҳужаев ва бошқалар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фўқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини оширишда давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари жавобгарлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ушбу ҳужжат оммавий ахборот воситалари ходимларининг давлат органлари фаолиятига тааллуқли ахборотларни монесиз олиш кафолатларини янада кучайтиради.

Семинарда телевидение ва радио ходимлари ушбу қонуннинг асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлди.

– Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажри-

бага жалб этилган эди, – дейди Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси директори Фарҳод Тўраев. – Ходимларимиз томонидан фўқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланишида ушбу қонун ҳужжати аҳамиятини атрофлича тушуниришга қаратилган туркум телекўрсатув ва радиозашитиришлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Тадбирда ҳудудий телерадиокомпаниялар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

**Ўзбекистон Фанлар академияси
Микробиология институти ва Полимерлар
кимёси ва физикаси институтида
Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига
бағишлаб «Ғонасан, муқаддас Ватаним,
севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал
Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида
муҳассам этган давра суҳбати
ўтказилди.**

ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР НАТИЖАЛАРИ — АМАЛИЁТГА

Тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилди. Давра суҳбати Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси, халқаро антик дунё илмий академияси академиги, халқ таълими аълочиси Қобилбек Каримбеков иштирокида ўтказилиб, унда илмий тадқиқот институтилари ходимлари ва касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Истиқлолнинг 23 йиллигини муносиб қутиб олиш ва ўтказишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокчилари таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда «Маънавият соатлари» ўтказиб келинмоқда. Тадбирларда Юртбошимиз раҳнамолигида Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб этилиб, бошқа йўналишларда чора-тадбирлар бўйича вазифалар белгилаб олинмоқда.

– Мамлакатимиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда барқарор суруятлар билан ривожланиб, қўлга киритилган улкан ютуқлар бутун дунё томонидан тан олинди, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. – Ватанимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига хос муносиб ўрин

эгаллади. Биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини ҳамда янги демократик давлат ва фўқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини меҳнаткашлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Ижтимоий шерикчиликни ривожлантириб, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар билан меҳнаткашлар ўртасида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилиш касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўзининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда устувор илмий йўналишлар бўйича илмий-техник ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, илмий ишланмаларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда юқори маалали илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги ишларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда мустақиллик йилларида турли соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК- ОСОЙИШТАЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сандер РОЙ, ўқитувчи (Хиндистон):

– Мамлакатингиз иқлими йилнинг исталган пайтида бу ерга саёҳат қилиш имконини беради. Саёҳат дастурлари йўналишининг кенг қамровлиги ва қизиқарлиги сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

Тошкент жуда гўзал ва озода шаҳар экан. Бу ерни сайр қилиб, баҳри дилим очилди. Қадимий ёдгорликлар, музейлар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон тарихига оид билимим янада бойиди.

Мамлакатингиз ёшлари инглиз ва бошқа чет тилларида эркин сўзлашар экан. Ҳамюртларингиз билан мулоқот қилиш саёҳатимнинг янада мазмулини ўтишига, Ўзбекистоннинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, туристик салоҳияти ҳақида тўла, қизиқарли ва фойдалли маълумот олиш имконини берди.

Карл ИЛЬБЕС, муҳандис (Эстония):

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Таассуридагидек билан бугунги кўрганларим ўрта-сида катта фарқ бор. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва барикенглиги мени хайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжихатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир. Тошкент шаҳри бўйлаб сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Музейларда қўллаб-қувватлаш ва талабаларни кўриб, Ўзбекистон ёшларининг ўз тарихига, бой маданий меросига катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистонда куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъий назар одамларнинг хотиржам сайр қилиб юрганини кўриш жуда қувонарлидир. Ҳамма мамлакатда ҳам одамлар ўзини бундай эркин ва хотиржам ҳис қилмайди. Шу боис сайёҳлар Ўзбекистонга келишни ҳўс кўради.

Пьябурт ВОНГСАВАТ, тадбиркор (Таиланд):

– Одатда, чет элга саёҳат қилаётган киши ўша мамлакатда дўч келиши мўмкин бўлган ноҳўс ҳолатлардан огоҳлантирилади. Масалан, танимаган одам билан гаплашмаслик, кечаси сайр қилмаслик ёки ҳаётини эҳтиёт қилиш тайинланади.

Ўзбекистонга сафарим олдидан мени ҳеч ким бу мазмунда огоҳлантирмади. Хайрон бўлдим. Аммо юртингизга келиб англадимки, бу ерда хавотир олдидан ҳолатнинг ўзи йўқ экан. Одамлар қўчаларда кечаси, ярим тунда ҳам бемалол сайр қилиб юравераркан. Бу мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингиз фаровонлигидан далолат.

Тинчлик ва ҳамжихатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик юртингизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда Ўзбекистондан Таиландга тўғридан-тўғри авиакатнов амалга оширилаётгани ҳам жуда қувонарли.

Ишбилармонлар фақат тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, қўлай муҳит вратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонда ҳўк сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

**Мамлакатимизда миллий
хўнармандчилик анъаналарини
асраб-авайлаш, ривожлантириш,
халқ усталарининг меҳнатини
муносиб рағбатлантиришга алоҳида
эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Зиннатулло Алимбоев ўз меҳнати орқасидан ҳўрмат ва обрў-эътибор топанг усталардан. Тошкент давлат техника университети (илгирги политехника институти)да ўқиб юрган кезларида устачилик билан шуғулланадиган синфдошининг ёғоч қўтича ясаётганини кўрган Зиннатулло ёғоч ўймакорлигига қизиқиб қолди. Шундан сўнг шу касбга кўнгил қўйди, унинг сир-асрорларини йиллар давомида пўхта ўзлаштириб, ҳақиқий уста даражасига кўтарилди.

Бугун устанинг ишлари нафақат мамлакатимиз, балки Германия, Франция, АҚШ каби хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. Ўтган йили унинг меҳнати муносиб баҳолалиб, Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Айни пайтда З.Алимбоев ўймакорликни қўлолчилик билан уйғушлаштирган ҳолда, янги йўналишда меҳнат қилмоқда. Бой тажриба тўплаган бўлишига қарамасдан, таникли халқ усталаридан қўсбилик сир-асрорларини ўрганишни давом эттирмоқда. Ўймакорлик йўналишида янги ёндашувлар устиде изланмоқда. У иш қўроллариини ўзи тайёрлайди. Уста санъат асарларини вратишда тузилиши, ранги ва пишиқлиги билан ажралиб турадиган ёнғок, чинор, қайрағоч ва тут дарактларидан материал сифатида фойдаланади.

Зиннатулло ака нафақат ажойиб уста, балки йигирмадан зиёд шоғирд тайёрлаган меҳрибон устоз ҳамдир. Шоғирдлари тайёрлаётган бежирим буюмлар санъат ихлосмандларининг кўзини қувонтириб, ҳамюртларимиз ва чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА мухбири

**Юртимизда илк
бор пойтахт
ОИТСга қарши
курашиш
марказида
долзарб телефон
хизмати ташкил
этилди. «Ҳаёт
йўли» номини
олган ушбу
телефон хизмати
фаолияти Тошкент
шаҳар ОИТСга
қарши курашиш
маркази
томонидан қўллаб-
қувватланиб, БМТ
Тараққиёт
дастурининг «Одам
иммун танқислиги
вируси (ОИВ), сил
ва безгакнинг
тарқалишига
қарши самарали
курашиш учун
миллий салоҳиятни
янада
мустаҳкамлаш»
лойиҳаси
дорасида техник
ёдрдам кўрсатиш
кўзда тутилган.**



«ҲАЁТ ЙЎЛИ» — ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ҳаёт йўли» телефон хизматининг ҳаётга татбиқ этилишига муҳим аҳамият қаратилмоқда. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакили ҳам мажмур долзарб телефон хизматининг ташкил этилишида Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази билан олиб борилаётган самарали ҳамкорликни ижобий баҳолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ягона бўлмиш «Ҳаёт йўли» маълумотлар телефон хизмати ОИВ касаллигининг профилактика-

си, диагностикаси ва уни даволаш тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш ҳамда бу соҳада ёдрдам кўрсатувчи ташкилотларнинг телефон рақамларини бериш мақсадида ташкил этилди. Яъни бунда мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг ошқор этилмаслиги кўзда тутилган. «Ҳаёт йўли» маълумотлар хизматининг операторлари малакали ва тажрибали мутахассислар бўлиб, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудларидан қилинган қўнғироқлар бўйича ОИВга оид аҳолини қизиқтираётган барча саволларга жавоб қайтаришади.

(ЎЗ мухбиримиз)



Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» нодавлат таълим муассасасида бир ҳафталик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Унда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг виллоят бўлими, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган банклар, Мудофлага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва унинг виллоят бўлими ходимлари иштирок этди. Анжуманда маънавий-маърифий ислохотларга доир меъёрий ҳужжатлар мазмуни, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш ва бошқа масалалар ҳусусида фикр юритилди. Бу масалаларни кенг оммага етказиш борасида ҳар бир соҳанинг мутахассиси маърузалари билан қатнашди. Бундан мақсад келажакда ёшларни маънавий баркамол, етук инсон қилиб вояга етказиш, уларни экологияга, миллий маънавиятимиз ва маданиятимизга доир, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича маълумотлар билан таништиришдир.

М.МИРЗАМУХАМЕДОВА,
Илмий-техникавий ташвиқот ва экологик тарғибот бўлими мутахассиси

ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Экологик онгни шакллантириш, унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиб беришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Айниқас, қўмитамизда фуқароларнинг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини кучайтириш, уларнинг мамлакатимизда экотизимининг мусоф-фоллигини сақлашдаги амалий иштирокини ошириш бўлган кундаги долзарб вазифалардан биридир. Газета, телевидение орқали узатилаётган маълумотлардан ташқари, ҳозирги кунга келиб, интернетдан экологияга доир сайтлар орқали маълумотлар, янгиликлар олса бўлади. Бу билан биз дунёдаги экологик вазият, янгиликлар, олимлар томонидан қилинаётган кашфиётлардан хабардор бўламиз.

Тошкент шаҳрининг умумий ер майдони 334,8 квадрат километрдан иборат бўлиб, кўкаламзорлаштирилган майдони 15200 гектарни ташкил қилади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги дарахтларнинг кенг тарқалган турлари бу: игнабаргли қарағай, қора арча, эман, қайрағоч, қора қайин, катальпа, шарқ чинори бўлиб, пойтахтнинг истироҳат боғлари ва хиёбонларида бошқа давлатлардан келтирилган экзотик ўсимликлар турлари ва сони ҳам жуда кўп (лола дарахти, магнолия, липа, ўткирбаргли заранг, америка шумтоли, қоғоз дарахти, гинко, япон сафораси, самшит, кипарис ва бошқалар).

Ҳар бир аҳоли жон бошига кўкаламзорлаштириш меъёри ўрта ҳисобда 50 м² бўлгани ҳолда шаҳримизда бу кўрсаткич 69 м² ташкил қилади. Ўзбекистон пойтахтининг қуруқ ва иссиқ иқлимга қарама-қарши, Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириш даражаси бу-гунги кунда Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиял каби шаҳарлардан 2-3 маротаба ортиқ.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 11 ноябрдаги қарорига мувофиқ шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган 20 туп ўсимлик объектлари (ёши 100 дан ошган эман ва чинор)га Давлат табиат ёдгорлиги мақоми берилган. Ҳозирда ЎзРФА қошидаги Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институти ва Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси билан биргаликда бу рўйхатни кенгайтириш борасида ишлар олиб боришмоқда.

Шаҳар ҳудудида 65,34 гектарлик майдонда Ботаника боғи ва умумий майдони 158,4 гектарни ташкил қилувчи 18 та маданият ва истироҳат боғлари жойлашган.

ЎзРФА қошидаги Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институти томонидан Ботаника боғи ҳудудида амалга оширилаётган ҳорижий давлатлардан олиб келиниб, маҳаллий шароитда мослаштириш учун ихтисослаштирилган кўчатларни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ишлари Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғармаси ҳисобидан молиялаштириб боришмоқда. Бунга қарақайин, метасеквоя ва Крим қарағайи кўчатзорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Яна бир эътибор қаратишни керак бўлган масала, бу — эоархитектурадир. Ҳозирги кунда Тошкент

шаҳрининг Эски шаҳар қисмини реконструкция қилиш, яъни Беруний, Чигатой дарвоза, Сариксув, Қорасарой кўчасигача бўлган қисмидаги янги автомобиль йўли қурилиши, Анҳор канали қирғоғининг А.Навоий кўчасидан Шаҳидлар майдонигача бўлган қисмини ободонлаштириш, Чоштепа кўчасининг замон талабларига жавоб берадиган даражада кенгайтирилиши ва

ЎСИМЛИК ВА ДАРАХТЛАР — АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ

бошқа бир қатор кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, юқорида кўрсатиб ўтилган барча объектларда эоархитектура кенг қўлланиб келинмоқда. Масалан, автомобиль йўлларининг кенгайтириш атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий омил бўлиши автотранспорт воситаларининг тирбанд қўчаларда туриб қолишининг олдини олади. Ўз манзилига етиб олган транспорт воситалари атмосфера ҳавосига камроқ зарарли моддаларни чиқаради. Канал бўйида жойлашган ҳар хил қурилмаларнинг қирғоқ бўйи ҳудудидан олиб ташланиши сув ҳавзалари ифлосланиш даражасининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга барча объектларда қурилиш ишлари якунига кўра турли навадаги манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилаётганини кўришимиз мумкин.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 68 та комплекс, 12 та режадан ташқари қисқа муддатли, 72 та назорат тартибиде, 100 та давлат бюджетидан молиялаштирилаётган объектлар бўйича текширишлар ўтказилди.

Бундан ташқари фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлик дунёсини асраш масалалари юзасидан 918 марта жойларга чиқишлар амалга оширилди, ихтиофауна ва ҳайвонот олами жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида карантин хизмати ва киллари билан биргаликда шаҳар бозорларида ўн та рейд ўтказилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва юқори ташкилотларнинг тақдимномаларига асосан ташкил этилган 16 та комиссия ишида қўмита ходимларининг иштироки таъминланди.

«Тоза сув ўзани» тадбири доирасида 53 та мақсадли рейдлар ўтказилди. Шундай қилиб, 2014 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида назорат остидаги ҳудудда жойлашган объектларнинг жами 1284 (2013 йилнинг мос даврида — 985) тасига но-зирлик чиқишлари амалга оширилди.

Суд органларига қорхоналарнинг белгиланган қонун-қоидаларни бузган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатишни сўраб 5 та тақдимномалар юборилди. На-тижада парранда гўштини қайта ишлаб чиқиш ва қадок-лаш бўйича «Chicken and hen meat production» МЧЖ таби-атдан фойдаланишни белги-ловчи меъёрий (ПДВ ва ПДО) ҳужжатлари йўқлиги, чинки-дилар билан ишлаш қоида-ларини бузганлиги, оқова сувларни ташлаш шaroитла-ри йўқлиги натижада Са-лор канални ифлосланти-ришга олиб келганлиги учун

Тошкент шаҳар Хўжалик су-дининг 2014 йил 9 июндаги қарорига биноан қорхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти камчиликларни бартараф эт-гунга қадар тўхтатилган. Шунингдек, «Мо'ула» МЧЖ га ҳам табиатдан фойдала-нишни белгилловчи меъёрий (ПДВ ва ПДО) ҳужжатлари йўқлиги, чинкидилар билан ишлаш қоидаларини бузган-лиги, оқова сувларни ташлаш шaroитлари йўқлиги натижа-сида Салор канални ифлос-лантирилганлиги учун тегиш-ли жазо чораси қўлланилди. Яъни, Тошкент шаҳар Хўжа-лик судининг қарорига бино-ан «Мо'ула» МЧЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти камчили-ларни бартараф этгунга қадар тўхтатилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Тошкент шаҳар прокурату-расига жиноий ишлар кўзга-тилиши тўғрисида 5 та ҳуж-жат юборилган бўлиб, жумла-дан, Юнусобод туманидаги «Шарқ Юлдузи коммуналчи» ХУЖМШ ҳудудида яшил кўка-ламзорларнинг ноқонуний ке-силганлиги ва ўсимлик дунё-сига 40,6 млн сўм миқдоридега етказилган зарар бўйича ЎЗР ЖКнинг 198-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш кўзга-тилган. Тергов ишлари олиб боришмоқда. Сергели тумани-даги «Соҳил» боғи ҳудудида яшил кўкаламзорларнинг ноқо-нуний кесилганлиги ва ўсим-лик дунёсига 267,6 млн сўм миқдоридега зарар етказилган-лиги учун ЎЗР ЖКнинг 198-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш кўзга-тилган. Ҳозирда ушбу иш юзасидан ҳам тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Учтепа туманидаги «Озода ва Умид коммуналчи» ХУЖМШ ҳудудида яшил кўкаламзор-ларнинг ноқонуний кесилган-лиги ва ўсимлик дунёсига 50,4 млн. сўмлик етказилган зарар бўйича ЎЗР ЖКнинг 198-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш кўзга-тилган. Тергов ишлари олиб боришмоқда. Сергели тумани-даги «Соҳил» боғи ҳудудида яшил кўкаламзорларнинг ноқо-нуний кесилганлиги ва ўсим-

Барчамизга маълумки, дарахтлар атмосфера ҳаво-сини тозаловчи табиий унсур ҳисобланади. Атмос-фера ҳавосидаги карбонат ангидрид газини ютиб, кислород ишлаб чиқиш — фотосинтез дея номлана-ди. Ушбу жараён натижада 1 гектар дарахтзор 1 соатда 8 л карбонат ангидридни ютади. Ҳавони то-заловчи учувчан зарралар эса фитонцидлар дейила-ди. 1 га ҳудудда ўсган игнабаргли дарахтлар 1 кеча-кундузда 20-25 кг фитонцид чиқариши мумкин. Боғ-лар ҳудудида ҳаво таркибидаги бактериялар 200 мар-та кам бўлади. Фитонцидлар асаб тизими ва нафас олиш йўлларида ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга модда алмашинуви ва юрак қон-томир фаолиятини яхшилайдди. Шунингдек, дов-дарахтлар шовқин даражасини ҳам камайтиради (дарахт та-насига уриладиغان товуш энергиясини 26 фоиз юта-ди ва шовқин даражасини 5-10 фоиз камайтиради, ҳавонинг нисбий намлигини оширади. Агарда нисбий намликни 100 фоиз деб олсак, кўкалам-зорлаштирилган мавзеда бу кўрсаткич 116 фоизни ташкил қи-лади, боғ ҳудудида эса 204 фоиздан иборат бўлади. Ёзнинг иссиқ кун-ларида ҳаво ҳароратини нисбатан пасайтиради (йирик кўкаламзор-лаштирилган мавзеда дарахтлар соясидаги ҳаво ҳарорати очик ҳудудга нисбатан 10-15 фоиздан пастроқ бўлади), ҳаводаги чанг миқдорини камайтиради (ўсимлик-лар орасидаги ҳудудда чанг миқ-дори очик ҳудудга нисбатан 2-3 ма-ротаба кам бўлади. 1 гектар ҳудуд-даги ўсимликлар 1 йилда ҳаводаги 54 тонна чангни ушлаб қолади. Дарахтлар барида ушлаб қолинган чанглар ёмғир сувлари билан ерга тушади).

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ҳудудида кўчатларни экишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармоишига асо-сан кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳозиргача 239489 туп япон сафораси, каштан, лола дарахти, Қрим қарағайи ва бошқа кўчатлар ўтказилди. Соғлом бола йилида эки-лаётган бу дарахт кўчатлари албатта келгусида пой-тахт экологиясининг янада яхшиланиб, яшилликлар-га бурканишида муҳим омил бўлади.

Ш.БАКИЕВ,
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўлими ходими

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ИНТЕРФАОЛ ЎРГАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли жабҳаларида, жумладан, чет тилларни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айни пайтда «ZiyoNET» миллий жамоат ахборот таълим тармони тилларни интерфаол ўрганишнинг хилма-хил шакл ва воситаларини тақдим этмоқда.

Чет тилларни билиш ҳамиша долзарб бўлган. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа буюк аждодларимиз ҳам бир неча тилни пухта билган. Бу улarga ўз даврининг етакчи олимлари билан тажриба алмашиш, би-лим ва қўнималарини тақомиллаштиришга ёрдам берган, ижоди ва илмий меросини бойитган. Шу боис аждодлари-мизнинг бой мероси бугунги кунда ҳам бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Глобаллашув жараёнида, мамлакатлар ва халқларнинг ин-теграциялашуви чет тилларни ўрганиш заруратини янада ку-чайтирмоқда. Негаки, бу дунёқарашни кенгайтириш, бошқа халқлар маданияти ва урф-одатларини ўрганишга қўмаклаша-ди, мулоқот қилиш ҳамда турли йўналишларда алоқа ўрнатиш-да чексиз имкониятлар яратди. Мамлакатимизда ёш авлод-нинг жаҳон илм-фани ютуқлари ва илгор технологиялардан кенг фойдаланиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш шaroитлари йилдан йилга тақомиллашиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги Қарори ҳам шундан далолат беради.

Порталимизда чет тилларни ўрганиш учун янада қулай-лик яратиш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс маркази бошлиғи Тolibжон Мирзақулов. — Хусусан, бу ерда ўқув қўлланмала-ри, бадий, илмий ва услубий адабиётларнинг мамлакатим-издаги энг катта электрон маълумотлар базаси мавжуд. Фойдаланувчилар уч тил — ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги материаллар билан таъминланмоқда.

Бутун «ZiyoNET» миллий жамоат ахборот таълим тармоғи-га 8,1 мингдан зиёд умумтаълим мактаби, 1 мингдан ортиқ касб-хўнар коллежи, 128 академик лицей ва 75 олий ўқув юрти улган. Ёшларнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига мос бўлиш мақсадида тармоқ модернизация қилинди ва айни пайтда мутлақо янги кўриниш ва мазмунга эга. Замонавий дизайндан ташқари порталнинг фаолият йўналишлари ҳам ўзгартрилди. Чет тилларни ўрганиш бўйича ахборот ресурс-ларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Чет тиллар» бўлими порталга киритилган янгиликлардан биридир. Бу ерда ўқувчи ва ўқитувчилар, талабалар учун қулай макбалар бор. Улар ёрдамида ўқув жараёнини энгиллашти-радиган сермазун материаллар, кўплаб дастурлар, жумла-дан, ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, мазкур бўлим «ZiyoNET» порталининг чет тиллардаги 1,6 мингдан зиёд ви-деороликни ўз ичига олган «Tube.uz» лойиҳасига ўттиш им-конини беради.

Фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш ва «ZiyoNET» тармоғини оммалаштириш мақсадида ўқув муассасалари учун бепул веб-ҳosting тақдим этилган. Бу учинчи даражали «21.uz» доменида сайт-сателлитни яратиш имконини беради. Айни пайтда ушбу платформада ярилган 14,6 мингдан ортиқ шундай ресурснинг аксарияти чет-тиллар бўйича тажриба алмашиш ҳамда билимларни оммалаштиришга ёрдам бер-моқда. Шуниси эътиборлики, улар ўқитувчилар ва иқтидорли ёшлар томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Ёшлар ва ёш мутахассисларни турли грант, таълим фонд-лари, танлов, стипендия, нафақат мамлакатимиз, балки хо-рижда ўтказилаётган акция ва бошқа тадбирлар ҳақида хабар-дор қилиш мақсадида ташкил этилган «Taplov.uz» лойиҳаси ҳам фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мактаб ўқувчиларига ўзбек, рус, қорақалпоқ ва тожик тилларидаги элиқанд зияд дарсликлдан фойдаланиш имконини берадиган янги «Е-Дарслик» мобил дастури ҳам оммалашиб бормоқда.

Электрон кутубхоналар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда ва улaрсиз замонавий таълим жараёнини тасаввур этиш қийин, — дейди Тошкент табиёт академиясининг бе-шинчи курс талабаси Фарҳод Саидалиқўжаев. — Мамлакатим-изда ташкил этилган «ZiyoNET» ахборот таълим тармони ёрдамида ҳорижий муаллифлар томонидан ярилган дарслик-ларини топиш мумкин. Масалан, мен инглиз тилида чоп этилаётган табиёт бўйича янги китобларни топиш учун ҳами-ша порталдан фойдаланаман.

«ZiyoNET» тармоғи мутахассисларининг сўзларига кўра, ҳали истиқболли режарлар кўп. Тошкентдаги Гёте институти, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Қора халқаро ҳамкор-лик агентлиги (KOICA) ва бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш шулар жумласидан. Шубҳасиз, бу миллий таълим тармоғини чет тилларни ўрганиш механизми-ни янада соддалаштирадиган янги интерфаол хизматлар, ах-борот материаллари билан бойитишга ёрдам беради.

Муҳаммад ҚАШИБОВ,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли Тошкент шаҳар телефон тармоғи абонентлари!

Телекомму-никация тармо-ғида рақамли тизимини халқ-аро стандарт-ларга мослаш-тириш мақсадида, 2014 йил 24 сентяб-рдан бошлаб 1 октябргача Тошкент шаҳри «ТШТ» филиали тармоғида ша-ҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни амалга ошириш учун рақам териш қоидаларини ўзгартириш бўйича ишлар олиб борилади. Ишлар якунига етгани-дан сўнг шаҳарлараро алоқага чиқиш кўнғироқлари «8» рақами ўрнига «0» ра-қамини, халқаро алоқага чиқиш кўнғи-роқлари эса «8-10» рақами ўрнига «00» рақамини териш йўли билан амалга оширилади.

UZTELECOM

Тошкент меҳмонхона хўжалиғи касб-хўнар кол-лежи коллежда ўқувчиларни соғлом овқатланиши-ни ташкил этиш мақсадида коллеж ҳудудидаги ош-хонани 2014-2015 ўқув йилига ижарага бериш учун **ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Мурожаат учун манзил: Ҳамза тумани, Тараққиёт 2-тор кўчаси, 1-уй. Тел: (371) 289-40-30, 289-52-50.



ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Симпозиумлар саройининг кўрқу салобати, бетакор безаклари бизни лол қолдирди, — дейди «Жасорат» медали соҳиби, сирдарёлик Ойбек Исмоилов. — Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун улкан имкониятлар яратилганининг ёрқин намунаси. Бу ерда Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Россия каби ўндан ортқ давлатдаги нуфузли кутубхоналар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ки-тобхоналар учун EBSCO Publishing, Oxford University, JSTOR, Aluka, Emerald Springer, Cambridge Journals Online каби халқаро илмий-тадқиқот манбаларидан бепул фойдаланиш имкони яратилган. Биз, ёшлар, бу эътиборга муносиб бўлишимиз, тинч ва фаровон юртда яшаётганимизга шукрона айтишимиз керак.

Турин политехника университетиди бўлиб ўтган тадбирда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши раиси Баҳодир Ганиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг самаралари

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида тасвирий санъатнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш, фотография санъатининг ўзига хос аҳаналарини янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарори асосида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан истиқлол йилларида маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ҳаётӣ ва таъсирчан тарзда етказишга оид туркум маърифий тадбирлар, таниқли муассавирлар билан учрашувлар, маҳорат сабоқлари,

фарзандларимизнинг турли соҳаларда эришаётган муваффақиятларида ўз аксини топаётганини таъкидлади. Бу ёшларимизнинг ҳаётга мустақил ёндашуви, кўрсатилаётган эътибор ва имкониятларга муносиб бўлиши, уларнинг озод ва обод Ватан фарзанди эканига шукроналик ҳисси билан яшаётгани ифодасидир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт барча мақсадларимизни рўёбга чиқаришда асосий омилдир, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент тиббиёт академияси талабаси, «Шўҳрат» медали соҳиби Билолидин Шарофидинов. — Юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳиссамизни қўлишга руҳлантирди.

Фестиваль доирасида «Туркистон» саройининг ёзги сахнасида 12 август куни таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Ёшлар фестивалининг ранг-баранг тадбирлари 15 августгача давом этади.

Дилшод КАРИМОВ



Аълло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

ЭЛДА ҚАДР ТОПГАНЛАР

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвон саройида Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Элда қадр топганлар...» номли фотоқўргазма ташкил этилди. Унда фоторассом Назира Боймуродова ижоди намуналари намойиш этилмоқда.

ёш рассомлар, фотоижодкорларнинг кўргазмалари ташкил этилмоқда. Н.Боймуродованинг «Элда қадр топганлар...» номли фотоқўргазмаси ҳам шундай лойиҳалар сирасидан.

Серкирра ижодкорнинг ўндан ортқ кўргазмаси юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган. Мазкур кўргазма экспозициясидан ўрин олган суратларда адабиёт, журналистика, санъат ва

маданият, спорт каби соҳаларда муваффақиятга эришаётган ҳамюртларимиз билан бирга иқтидорли ёшларнинг ҳаёти, фаолияти, орзу-интилишлари акс эттирилган.

— Истиқлол ҳар бир юртдошимизга ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиш имконини берди, — дейди ЎЗА муҳбирига Н.Боймуродова. — Ушбу кўргазмада юртимизда мустақиллик

йилларида ҳалол ва фидойи меҳнат эъзоз топаётганини, унинг саодатли неъматлари турли жаҳбаларда самарали фаолият қўрсатаётган юртдошларимиз онгу шуурида, кайфиятида, тақдирда ижобий ўзгаришларга туртки бераётганини фотография санъати ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилдим.

Н.УСМОНОВА

Жаҳон шахмат олимпиадаси — 2014

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУРДА ҲАМ ҒАЛАБА

Норвегиянинг Тромсё шаҳрида давом этаётган жаҳон шахмат олимпиадасининг тўққизинчи тури ҳамюртларимиз учун муваффақиятли якунланди.

Эркалар ўртасидаги баҳсларда терма жамоамиз аъзолари финляндияликлар устидан 3,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозонди. Етақи шахматчимиз Рустам Қосимжонов Томи Нибак билан дуранг ўйнаган бўлса, Антон Филиппов Мика Карттуненни, Марат Жумаев Вилка Сипилини, Жаҳонгир Воҳидов Даниел Эбеллингни мағлубиятга учратди. Шахматчиларимиз ўзини-ўзи турда голландияликлар билан куч синашди.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда шахматчиларимиз Куба терма жамоасини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этди. Ушбу турда Ирина Георгиян Яниет Марреро Лопесни енгган бўлса, Сарвиноз Курбонбоева Лиссандра Тереза Ордаз Валдес, Севара Боймуродова Суленнис Пина Вега, Моҳинур Қаҳрамонова Маритза Аррибас Робайна билан дуранг натижа қайд этди. Вақилаларимиз ўзини-ўзи турда чехиялик шахматчиларга қарши донна суради.

Б.АЙМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Юртимизда, болажонлар интиқиб кутадиған ёз фаслининг жазираси авжида. Мактаблар ҳовлисидаги шовқин-суронлар тиниб, аллақачон, табиат қўйнидаги, тоғ ёнбағирларидаги ёки мактаблар қошидаги оромгоҳларга кўчиб бўлган.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Миробод туманида жойлашган 94-мактаб қошида очилган кундузги оромгоҳ ҳам ёз мавсумида 440 нафар болаларни ўз бағрига олди. Болажонларга ҳар томонлама қулайликлар ва яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган «Қуёшча» оромгоҳида бошқа туманлардан келган мактаб ўқувчилари ҳам мазза қилиб дам олишмоқда. Оромгоҳда болалар инглиз тили, ўзбек тили, информатика, шунингдек, сузиш ва бошқа спорт тўғрисидаги шугулланиб бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Ўғил-қизларни соғломлаштириш мақсадида оромгоҳда деярли ҳар куни спорт ва бошқа турли хил қизиқарли мусобақалар ўтказилади, театр ҳамда цирк томошалари ўюштирилади. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда зарарли иллатлар — гиёҳвандлик, ичиш, чекиш, уларнинг оқибатларидан огоҳлантириш мазмунли тадбирлар ўтказилади. Ушбу оромгоҳ жамоаси «Соғлом танда —

соғ ақл», «Баркамол авлод — юрт келажиги» шiori асосида иш олиб бориб, келажак авлодни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашдек хайрли мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Оромгоҳимизда болажонларнинг мароқли дам олиши ва уларни соғломлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Замонавий жиҳозланган ётоқхоналар, турли тўғараклар, спорт майдончалари, оқсил, витаминларга бой махсулотлардан тайёрланган озиқ-овқатлар уларнинг кўнгилдагидек дам олишларига хизмат қилмоқда. 10 кун давомида улар ҳам ақлан, ҳам жисмонан чиниктирилади, — дейди оромгоҳ раҳбари Н.Савенчук. — Ўйлаёмизки, болажонлар мазмунли ўтаётган таътил кўнларидан, уларнинг ота-оналари эса бизнинг фаолияти-миздан мамнунлар.

Зарингор САЙДАМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сента бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида жойлашган 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом танда — соғ ақл» спорт мусобақаси ўтказилди.

Болалар спорти

ЎСМИРЛАР КҮЧ СИНАШДИ

Мазкур мусобақа Учтепа туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимаси, маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда тумандаги мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олишчи ҳамда спорт мактабларида мунтазам шугулланувчи ўқувчилар катнашди.

Мусобақада ёш спортчилар енгил атлетика, шахмат ва шашка, стол тенниси, қувноқ стартлар, турон яккакураши ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад келажгимиз пойдевори саналмиш ёш авлодининг соғлом бўлиб вояга етиши ва спортга қизиқишлари янада оширишдан иборат, — дейди 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Анвар Қосимов. — Мазкур мусобақада нафақат спорт мактабларининг болалари, балки маҳаллаларнинг юзга яқин ўсмирлари ҳам иштирок этди. Бу эса маҳалла ёшлари орасида ҳам спортнинг оммалашшига хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг спорт мактабларида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли спорт мусобақаларида катнашиб, бир

қанча ютуқларга эришаётганлиги юртимизда спортга берилётган эътиборнинг яққол исботидир.

— Спорт менинг жону дилим, айниқса, ақлни чарқловчи шашкани иштиёқ билан ўйнайман, — дейди мусобақада шашка бўйича иштирок этган Қодирхон Султонов. — Устозларимнинг берган кўрсатмалари орқали кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқдаман. Жумладан, шашка бўйича 2012 йилда ўтказилган Тошкент шаҳар биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаганман. Келажакда жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишни муҳим мақсадларимдан бири деб биламан.

Энг улуг, энг азиз байрам арафасида ташкил этилган мусобақанинг ёшлари спорт билан янада кўпроқ шугулланишга ундаётганини иштирокчиларнинг катта иштиёқ билан катнашаётганидан сезиш қийин эмас.

Мусобақа сўнигида голиблар ва фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар тақдим этилди.

Ўсиб келаётган авлодининг келажакда ҳар жиҳатдан етук бўлишига барчамиз масъулмиз. «Соғлом танда — соғ ақл» каби спорт мусобақалари соғлом ва баркамол авлод тарбиясига хизмат қилиши шубҳасиз.

Зафар НАЗАРОВ

«101»

ОРОМГОҲЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Ёз мактаб ўқувчилари учун энг қўнғилли ва мазмунли фасллардан бири. Албатта, ҳар бир дам олиш маскани жамоаси мавсум олдида унга пухта тайёргарлик қўлади.

кимёвий суюқлик билан қайта ишланган бўлиши лозим. Электр асбоб-ускуналари билан боғлиқ қўнғилсизликларнинг содир бўлмаслиги учун ҳудуддаги барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобилиятининг электр токига қарши чидамлик қилиши шарт. Ёнғин хавфсизлигига оид бу тадбирлар мактаб ўқувчиларининг мавсуми кўнғилли ўтқизишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Миразиз ТОИРОВ,
23-ХЕҲК кичик инспектори, сафдор

бинолардан узоқда ва атроф қуруқ хашак, ёнғувчан материаллардан тозаланган, ҳар томонлама хавфсиз бўлишига эътибор қаратиш муҳим. Оромгоҳнинг кўзга кўринарли қисмида бирламчи ёнғин ўчириш воситаси ўрнатилган бўлиши шарт. Ёнғин хавфсизлигига оид бу тадбирлар мактаб ўқувчиларининг мавсуми кўнғилли ўтқизишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Миразиз ТОИРОВ,
23-ХЕҲК кичик инспектори, сафдор

Экология

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда фондининг 2009-2013 йиллардаги фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилан олди.

Конференцияда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жаҳиятимизни модернизациялаш ва демократлаштиришга йўналтирилган ислохотлар жа- раёнида жамоат тузилмаларининг ролини юксалтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти- нинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ало- ҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди томонидан тегишли давлат дастурлари- да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, мам- лакаимизда ва минтақада экологик мувозанатни яхши- лаш, табиатдан оқилона фойдаланиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда бир қатор давлат ва жамоат ташкилот- лари билан ҳамкорликда экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъ- минлаш, табиатни асраш, иқтисодиётнинг турли тар- моқларида ресурстеҳамкор технологияларни жорий этиш бўйича бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазатга муҳтож қатлами- ни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва овулларда санитария-ги- гиена шароитини яхшилашда «Экосан» саломатлик по- ездалари муҳим ўрин тутмоқда. Қорақалпоғистон Рес- публикаси ва Хоразм вилоятида ташкил этилган ана шун- дай хайрия акциялари доирасида аҳоли малакали ши- фокорлар томонидан чуқур тиббий қўриқдан ўтказилди. Жойлардаги тиббиёт муассасаларига флюорография, электрокардиограмма аппаратлари, стоматология жиҳоз- лари, дезинфекциялаш воситалари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Мазкур жамоат ташкилотининг халқаро ҳамкорлик лойиҳалари ҳам кенгайиб бораётди. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Глобал экологик жам- гарманинг кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда хал- қаро экологик саналар муносабати билан медиаторлар, кўрик-танловлар, матбуот анжуманлари ташкил этилди. Бун- дай тадбирлар аҳолини юртимизда амалга оширилаётган экологик барқарорликка йўналтирилган ислохотлар сама- раси билан таништириш, табиатни муҳофазалашга оид тад- бирларда жамоатчиликнинг фаолигини ошириш, эколо- гик назоратни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда «Экосан» халқаро хайрия жамоат фон- дининг 2014-2019 йилларга мўлжалланган ҳаракат дас- турини қабул қилинди. Унда аҳолининг экологик шарои- тини яхшилаш, тоза ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш, экологик ноқулай минтақалар аҳолисини соғломлаштириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд- ларни ҳимоялаш, экотуризм ва жамоат экологик назо- ратини ривожлантириш, аҳолининг экологик дунёқара- шини ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли вазифа- лар ўз ифодасини топади.

Тадбирда «Экосан» халқаро хайрия жамоат фонди- нинг уставиға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Фонд вазифали кенгашининг янги таркиби тасдиқланди.

Наҳромон Умаров фонд бошқаруви раиси этиб сайланди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вази- рининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхона- си томонидан 2013 йил 10 сентябрдан бош- лаб онлайн-аризаларни қабул қилиш тизи- ми амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахслар кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳара- катларни амалга ошириш учун пойтахтимиз- даги кўп қаватли уйлардаги **квартиралар** ҳақида 18-шаклдаги маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр хужжатидаги расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризалар **odnokno.uz** интернет саҳифасида жойлаш- тирилган аризаларни қабул қилиш онлайн- сервиси орқали амалга оширилади.

Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қиёфя бўлиб, кўрсатилган хизмат учун тўловни «Ипотека банк»нинг барча бўлимларида амалга ошириш ҳамда тайёр бўлган маълумотномани белгиланган муддатда олиб ке- тиш мумкин. Аризанинг ижросини кўриб чи- қиш ишларини унинг махсус рақами ёрда- мида кузатиб бориш мумкин.



кечаси — 17-19, кунду- зи — 29-31 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мо- ниторинг хизмати ма- лумотига кўра, 15 ва 16 август эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шайхар ҳаво муҳитида зарар- ли моддаларнинг бир оз тар- қалиб кетишига имконият яратди, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00